

Жиноят иши № 1-2006-2205/232

Биринчи инстанция судининг маърузачи: А.Аллаев

судьяси: Ж.Тожиев

**Бухоро вилоят суди жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъатининг  
А Ж Р И М И**

2023 йил апрель ойининг 11 куни, Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: А.Аллаев,

судлов ҳайъати аъзолари, судьялар Ш.Тўхтаев ва Н.Жураевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Искандаровнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратурасининг бўлими катта прокурори Х.Абдиев, судланувчи А.Джураев ва унинг ҳимоячиси - адвокат З.Хасанованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 1 мартдаги ҳукмидан норози бўлиб, судланувчи А.Джураевнинг келтирган апелляция шикояти асосида жиноят ишини апелляция инстанциясида кўриб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 1 мартдаги ҳукмига кўра,

1958 йил 21 августда Бухоро шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам:

Жиноят ишлари бўйича Россия Федерацияси Свердловск вилояти Гагарин туман судининг 2017 йил 22 ноябрдаги ҳукмига кўра, Россия Федерацияси ЖК 327-моддасининг 3-қисми (ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш) билан 7.000 рубль миқдорида жарима жазоси тайинланган, нафақада, Бухоро шаҳар “Фатхобод” кўчаси, 40-уй, 2-хонадонда яшаган, “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини муддатида олган Джураев Ахмад Рахимовичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Джураев қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб ўзининг жинойий шериги Ачиллов Ўктам Абдуллаевич билан олдиндан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2022 йил 31 октябрь куни соат тахминан 17:00.лар атрофида Бухоро шаҳар “С.Боҳарзий” МФЙ, “Б.Нақшбанд” кўчасида жойлашган “Моника” савдо мажмуаси олдидан ўтган



катта йўл ёқасида унинг олдига назорат тариқасида юборилган Р.Равшановга 2 дона “Спички” ёзувли гугурт қутиларга солиб қадоқланган, Бухоро вилояти ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 1 ноябрдаги 350-сонли хулосасига кўра қуритилган ҳолдаги соф вазни 7,91 граммга тенг озгинадан кўп миқдордаги Марихуана гиёҳвандлик воситасини 2.300.000 сўм эвазига сотиб, жиноий шериги билан ушбу пулларни ўзаро бўлиб олаётган пайтида ИИБ ходимлари томонидан жиноят устида ушланган.

Мазкур ҳукм билан Ў.Ачилов ҳам судланган бўлиб, шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли, ҳукмнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

А.Джураев шикоятида, қилмишидан пушаймонда эканлиги, ҳозирда соғлиғининг ёмонлашганлигини инобатга олиб, қўлланилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазога ўзгартиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, А.Аллаевнинг маърузасини, прокурор Ҳ.Абдиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини, адвокат З.Хасанова ва судланувчи А.Джураевнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанция судида сўроқ қилинган судланувчи А.Джураев айбига иқrorлик билдириб ва шикоятидаги важларни қувватлаб, қилмишидан пушаймонда эканлигини, оиласида ягона боқувчи эканлигини баён қилиб, биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турига ўзгартиришни сўради.

Судланувчи А.Джураевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига иқrorлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, билдирги, назорат тариқасида гиёҳвандлик моддаларини сотиб олиш учун пул бериш тўғрисида баённома ва фотосуратлар, нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш тўғрисида баённома, ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, судга оид кимёвий экспертизанинг 2022 йил 1 ноябрдаги 349-350-сонли хулосалари ва фотожадвал, 2022 йил

17 ноябрдаги 0036517-сонли қвитанция, гиёҳвандлик воситаларини топшириш ва қабул қилиш баённомаси ва бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди судланувчи А.Джураевнинг ҳаракатларини



ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилган ҳамда унга нисбатан жазо тури ҳамда миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига амал қилган ҳолда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, ёшини, оилавий аҳволини ҳамда ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда жазо санкциясида назарда тутилган жазодан ҳам енгилроқ, шахсига мос ва қилмишига яраша адолатли жазо тайинлаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>13-18</sup>, 497<sup>26</sup>-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2023 йил 1 мартдаги ҳукмининг Джураев Ахмад Рахимовичга оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи /имзо/

А.Аллаев

Ҳайъат аъзолари /имзо/

Ш.Тўхтаев

/имзо/

Н.Жураев

Аслига

тўғри,

судья:

А.Аллаев

**Маърузачи: Аллаев Абдулло Садуллоевич**

